

Мўминжон ХЎЖАЕВ,

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси
катта ўқитувчиси, фалсафа доктори (PhD)*

ЗАКИ ВАЛИДИЙНИНГ БУХОРО ИЛМИЙ САФАРИ ТАДҚИҚОТЛАРИ

Бошқирд олими Аҳмад Заки Валидий Тўғоннинг 1913 йилда Туркистонда амалга оширган илмий сафари давомида Бухоронинг илмий муҳити ва маданияти хусусида ўзининг қимматли маълумотларини «Восточные рукописи в Ферганской области // Записки Восточного Отделения Императорского Русского Археологического Общества. Пг. Т.22. С.303-320» ва «Prof. Zeki Velidi Togan. Hatıralar: Türkistan ve diğer Müsülman Dogu Türklerinin milli varik ve kültü mücadeleleri. (Хотиралар. Шарқ ва бошқа мусулмон халқларининг Туркистон миллий мустақиллиги ва миллий маданияти учун кураши) Istanbul. 1969. 646 s.» асарларида ёзиб қолдирган.

Заки Валидий ўзининг Шаҳобиддин Маржоний тўғрисидаги мақоласи¹ талқинида “Ўша даврларда Бухоро мадрасаларида 15 га яқин кутубхона мавжуд бўлиб, амир Насруллоҳ даврида бутунлай яқсон қилиниб, эътибордан четда қолганлиги таъкидланади. Самарқандда Маржоний (Шаҳобиддин)нинг устози, 1849 йилда вафот этган қози Абу-Саид Самарқандийнинг кутубхонаси ўз тарихий мавзусига кўра энг бой кутубхона ҳисобланган. Ушбу кутубхонанинг бир қисми эндиликда шарқшунос В.Л.Вяткиннинг қўлига ўтган”², дея эътироф этади.

Шунингдек, Заки Валидий форс тилини онасидан ўрганганлиги ва Фариiddин Аттор, Сўфи Оллоёрнинг асарларини ҳам онаси яхши билганлигини ёзади.

Валидийшунос олима Гульнора Хусаинова “А.З.Валидий Тўғон”³ номли мақоласида Валидийни шарқшунос олим бўлиб етишишида Туркистонга илмий сафари катта аҳамиятга эга бўлганлигини таъкидлайди. Шунингдек, Гульнора Хусаинова Валидийнинг Туркистондаги илмий сафари давомида қўлёзма, кутубхоналар билан ишлаб, дин, маданият, маънавият, тарих, этнография, география, тил, адабиёт каби фанларга қизиқишини янада ортаганлигини “Алишер Навоий”, “Беруний”, “Амударё”, “Наливкин Фарғона хотинлари тўғрисида” каби мақолалари ва “Таворихи гузида”, “Нусратнома”, “Тарихи Рашидий” асарлари орқали асослашга ҳаракат қилади.

Заки Валидий 1913 йилда Бухородаги илмий сафари давомида Алишер Навоий ва турк олими Ёзувчи ўғлининг “Муҳаммадийя” асари ва Камол Умийнинг девонини баъзи жойларини, форс тилидан Фариiddун Аттор ва Темурийлар даврида “Нузхату-л-арвоҳ” (“Рухлар севинчи”) китобидан ҳикояларни миниатюрами нусхасини учратганлигини ёзади.⁴

1913 йилдан 1914 йилнинг мартига қадар давом этган бу саёҳатда Валидий Фарғона, Самарқанд ва Бухоро вилоятларида одамларнинг уйларида сақланаётган васиқаларни қўлёзма асарларни мамлакатнинг иқтисодий, тарихий жўғрофияси жиҳатдан жуда

³ Хусаинова Г. А.З Валиди Тоган // Ватандаш. – Уфа: 2000. №12.

⁴ Prof. Zeki Velidi Togan. Hatıralar: Türkistan ve diğer Müsülman Dogu Türklerinin milli varik ve kültü mücadeleleri. (Хотиралар. Шарқ ва бошқа мусулмон халқларининг Туркистон миллий мустақиллиги ва миллий маданияти учун кураши) Istanbul. 1969. 646 s.

муҳим воқеалар акс этган манбаларни баъзи диний муассасаларнинг даромад рўйхатларида қиймат ўзгаришларини билдирувчи қайдлар ва этнографик маълумотларни тўплайди. Бу саёҳати “Турк олимига нисбатан кўрсатилган тақдир нишонаси” сифатида Туркия матбуоти (Турк юрти) журналида юқори баҳоланади. Энг муҳими (XVI асрдан) кейинги давр маданияти ва тарихи доир бир қанча фанга оид бўлган номаълум асарларни кашф этади.

Илмий сафар давомида Валидий “Осиё мўзеи” ва бошқа Россия илмий муассасалари учун сотиб олиб, музей учун олинган қўлёзма асарлар тавсифини ҳам беради. Мир Муҳаммад Амин Бухорий “Убайдуллонома”, Ҳофиз Таниш ибн Муҳаммад ал-Бухорий Абдулланнома Али ибн Шаҳобиддин ал-Ҳамадонийнинг “Заҳират-ул-мулк”, Муҳаммад Наршахийнинг “Тарихи Наршахий”, Жамол Қаршийнинг “Мулаҳакот-ул сурох”, Сухийнинг “Тарихи Сухий”, Огаҳийнинг “Риёз-уд Давлат” ва “Чингизнома” китобларини илмий тадқиқ этади.

1914 йили 14 июль ойида Бухородаги илмий сафари фаолиятини давом эттиради. Бухоро (Когон)даги Рус консуллигидан буни тасдиқловчи бир васиқа (ҳужжат) ҳам олади. Насруллоҳ кушбеги олимни амир саройидаги баъзи китобларни ҳам кўрсатади.

Бухорода Валидий тадқиқ этган асарлардан бири XVII асрда қозонлик Маҳмуд ибн Вали томонидан битилган муфассал бир жўғрофия китоби эди. Зарафшон ва Қашқадарё ҳавзаларидаги суғориш тизимларига оид муфассал маълумотни қамраган бу асардан чиқарган қисқа хулосаларини Рус археология жамияти «Записки»си (XXIII жилд)⁵да нашр этган. Бундан ташқари, Бухоро ва Хуросоннинг XVII асрдан кейинги тарихига доир бир неча номаълум асарлар топади. Булардан бири XVII асрда Бухорода Имомий, деган бир ўзбек шоири тарафидан тасниф этилган. “Хонлар тарихи” ёхуд “Хоннома”⁶ деб аталган қадимий туркий дostonлар мажмуасини ҳам фанга маълум қилади. 1954 йилда Кембриджда Шарқшунослар конгресси⁷да маъруза қилади.

⁵ Валидов А.З. О собраниях рукописей в Бухарском ханстве: (Отчет о командировке) // Записки Восточного Отделения Императорского Русского Археологического Общества. Пг. 1916 г. Т-23. С.245-262.

⁶ Velidi A.Z. Das Ozbekische Epos Chan-name // Central Asiatic Journal. Leiden-Wiesbaden. Vol.I. 1955 y. № 2. S.144-156.

⁷ Velidi A. Kembric Müsteşrikler Kongresinde Islam ve Türk bilgileri // Türk Yurdu. Istanbul. 1954. Saye 242. S.660-664.

Заки Валидий Қўқонлик дўсти Ашурали Зоҳирий билан бирга 1917 йилда “Юрт” номли журнал чиқаришади. Журналнинг 1-сонида “Туркистоннинг маънавий ва маданий бойлиги” номида Заки Валидийнинг мақоласи ўзбек тилида нашр этилади. (Валидий З. “Туркистоннинг маънавий ва маданий бойлиги” // Қўқон. Юрт. 1-сон. 1917 й.)

Шунингдек, 1913 йилдаги Фарғонада илмий сафари давомида Қўқонда “Гайрат” кутубхонасини ташкил этишда иштирок этганлигини ёзади (Бу кутубхона ҳозирда Фарғона вилоятнинг марказий кутубхонаси сифатида фаолият юритмоқда (Мазкур маълумот “Фарғона ҳақиқати” газетаси муҳбири Шохидбек Аслонов орқали аниқланди).

Валидийнинг Бухородаги илмий сафарида, ўтмишда Туркистоннинг хусусан, Ўзбекистоннинг фалсафаси, дини, маданияти, маънавиятидан дарак берувчи: “Сариосий Исҳоқбекнинг “Қуллийет” асари қадимий туркий тасаввуфчи олимлар ҳаёти ва фаолиятдан дарак берувчи асардир”⁸, дейди. Шунингдек, Аҳмад Яссавийнинг “Ҳикматлар”ини қўлёзмасини шарҳлайди.

Бухорога қилган кейинги илмий сафарида дастлабки сафар чоғида учратган қўлёзма асарларни таҳлил қилади. Валидий фикрича, қўлёзма кутубхоналари бўлган ўша вақтда энг муҳим ҳужжатлар таҳлили ва қимматли манба бу Муҳаммад Вафои Кармонагийнинг “Тарихи Раҳимхоний” (“Раҳимхон тарихи”) бўлиб, унинг яна бир номланиши “Тухват ул-хоний”⁹дир. Валидий бу манбани аслидан рус тилига таржима қилган ва тавсифлаган. Шунингдек, олим асарда ўрта қисмларидан бир неча саҳифалари етишмаслигини ёзади.

Заки Валидий Бекбулат Соли ўғли (Пўлат Солиев) билан ёзишган “Берлиндан мактуб” номли ёзишмасида “Инқилоб” журналида Бухородаги афсоналар ҳақида ёзган мақоласини ўқиб фикрини билдириб, Берлиндалигида хат ёзади. Валидийнинг хатида: “Мен 1922 йили Ашхобод шаҳридан “Инқилоб” журналида “Чўлпон” нашриётида нашр этиш учун “Девон луғоти турк”¹⁰ ҳақида бир мақола юборган эдим.

⁸ Абдурахмонов М. Научная деятельность А.З.Валидова в Туркестане. –Т.: “Фан”, 2004. – С.107.

⁹ Салихов А.Г. Научная деятельность А. Валидова в России. – Уфа, “Гилем”. 2001. – С.111.

¹⁰ Prof. Zeki Velidi Togan. “Divân-I Lugât üt-Türk” ün telif senesi hakkında (О дате создания “Дивану лугат ит-тюрк”) // Atsız Mecmua. – Istanbul. 1932. № 16. S.77-78.

Яна “Девони луғот ут-турк”даги этнография ва тарихий маълумотлар ҳақида бир неча мақолалар юборишни ваъда берган эдим. Юборган мақолам чиққанлигини билмадим. Ушбу мактубни сизга ёзмишдан мақсадим шудир. Ўн беш ойдан бери Европадаман. Париж ва Берлин илм хазиналарида исломий асарлар кўп кутубхоналарда ишлаб имкон қадар асарлар ёздим. Рус тилида мақоламни рус академияси нашр этди. Машхур Ибн Фазлоннинг асарини Машҳадда Ибн ал-Фақиҳнинг асарининг асл нусхасини топган эдим”¹¹, деб ёзади.

Шунингдек, Валидий Бухородан Маориф вакили Ориф Йўлдош, молия Усмон Хўжа, ҳарбийлардан Абдулҳамид Ориф, Хорижия (ташқи ишлар) Ҳошим Шоик, Доҳилия (Ички ишлар) Муинжон, Адлия Мирзо Абдурахим. Бироздан сўнг, Усмон Хўжа Марказий комитет (ЦК) раиси бўлди. Хорижга, Афғонистонга Шариф Хўжа тайинланган эди. Афғонистондан Абдурасулхон Бухорода элчи бўлганлигини таъкидлайди. Булардан Усмон Хўжа (Хўжаев) Фарғонанинг Ўш шаҳри Отахўжа бир тужжорнинг ўғли бўлиб, Бухорода таҳсил олгандан сўнг, 1910 йилда Истанбулга келган, у ерда бухоролик ёшлар учун “Таълим-тарбия уйи” таъсис этган, қайтгандан сўнг Бухорода Қримдаги “Гаспиринский мактаби” типиди “Усули жаид мактаби” очганлиги ҳақидаги маълумотни беради.

Заки Валидий “Туркистон мактублари-VI”¹² мақоласида Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асари ҳақида “Иль” (“Ватан”) газетасининг 3-сониди шоир ижодини таҳлил қилиб, умумий туркийлар ва жаҳон тарихидаги ўрнини тавсифлайди. Бобурнинг юришлари, у ва унинг аскарларининг довюраклиги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтади. Шунингдек, Валидий ўз мақоласида: “Мирзо Бобур шахсини Юлий Цезарь билан ва асари “Бобурнома”ни “Юлий Цезарнинг эсдаликлари” билан Европалик олимлар тенглаштирган”¹³лигини ёзади. Бобурнинг давлат бошқаруви тўғрисида ёзар экан, унинг давлат бошқарувидаги раҳмдил ва

адолатли шоҳ эканлиги ҳамда бағрикенглигини шарҳлаб: “Бобур ва унинг авлодлари Ҳумоюн, Акбаршоҳ, Оламгир ва бошқа шоҳларнинг адолатпарварлиги ва ўзининг Ҳиндистондаги барча халқлар диний конфессияларига адолатли қараши орқали Ҳиндистон халқи қалбида абадий қолган”¹⁴, деб таъкидлайди.

Заки Валидий Алишер Навоийнинг “Мажолис-ун нафоис” асарининг Машҳад нусхасини Қобул нусхасидан фарқи борлигини кўрсатиб ўтади. Уни Европа шарқшунослари усулида таҳлил этиб, баъзи ривоят ихтилофларини кўрсатиб ўтади. Валидий Бошқирдистондаги ўз даврининг мадрасаларида фақат ислом эътиқоди асосида ўқитилишини танқид қилади ва бу таълим муассасаларида дунёвий фанларнинг ҳам ўқитилиши кераклигини қайд этади. Ислом уламоларининг фалсафа ҳақида қарашлари ортодоксал характерга эга эканлигини ва тасаввуф суфийлари ҳақидаги баъзи зиддиятли тасаввурлар борлигини ҳам кўрсатиб ўтади.

XVIII – XIX асрларда Валидий Туркистондаги маданий ва ижтимоий ҳаётни Европадан орқада қолиши сабабларини таҳлил қилар экан, шундай хулосага келади: “Бу дарҳол содир бўлгани йўқ, дейди аксинча, дастлабки ўзбеклар теурийлар даврида Самарқанд ва Ҳиротда пайдо бўлган санъатни давом эттирдилар. Улардан айниқса, Убайдуллахоннинг Бухорода ҳукмронлик қилган ўғли Абдулазизхон илм ва санъат ҳомийси бўлган. Бухородаги Абдулазизхон мадрасаси ўша пайтда санъат академияси даражасига кўтарилганлигини таъкидлайди. Ўзи ҳам мумтоз хаттотлардан бўлган Абдулазизхон бу ерда Алишер Навоий даврида маданий муҳитда етишиб чиққан Мир Али Ҳусайний Машҳадий, Маҳмуд Музаҳҳаб ва Мирак Мунший каби гузида хаттот ва рассомларни тўплаб, Бухоро мактабини вужудга келтирган”¹⁵.

Заки Валидий диний билим асосларини шакллантиришда муқаддас китоблар, масалан Қуръони карим, Ҳадиси шариф, кабиларни ўқиб, ўзлаштириш, унинг асл моҳиятини тушуниб етган ҳолда иш кўришни ўзи камлик қилишини инсон ўз билимини мукамал даражага олиб чиқиши учун дунёвий илмларни ҳам чуқур ўзлаштириши кераклигини турли ҳаётий

¹¹ Prof. Zeki Velidi Togan. Notices sur les manuscrits decouverts dans les bibliotheques de Kabul et Mechhed // Journal Asiatique. Paris. №1. P.149-151.

¹² Валидов А.З. Андижан г. Мирзо Бабур. «Бабур-наме». // Иль. – Санкт-Петербург: 1914. 1, 22, 29 март.

¹³ Prof. Zeki Velidi Togan. Zentralasiatische turkische Literaturen. II: Die islamische Zeit // Hadbuch der Orientalistik. Leiden-Koln: 1963. Abteilung 1. Bd.5. Abschnitt 1. S.229249.

¹⁴ Абдурахманов М. Научная деятельность А.З.Валидова в Туркестане. – Ташкент: Фан, 2004. – С.147.

¹⁵ Binyon and Wilkinson. Persian miniature Painting. London. 1933. S. 106109.

мисоллар орқали асослашга ҳаракат қилади. Қуръони Карим сураларида кишилар Аллоҳ номидан эзгуликка, ҳалолликка, покликка даъват этилади. Бунга амал қилганларга жаннатда ҳузур-ҳаловатда абадий яшаш ваъда қилинади. Ёвузлик йўлидан қайтмаган кишилар учун дўзах азоби муқаррарлиги эслатилади. Бу кишиларни ёмон ҳуқуқлардан ўзини тийишга, яхшиликка ундайди. Айни шу маънода, Заки Валидийнинг мулоҳазалари фақат назарий эмас, балки амалий характерга ҳам эга эди.

Заки Валидий 1968 йилги Равалпинди шаҳридаги анжумандаги маърузасида исломий давлатларда Қуръони Каримни замонавий илмий асосларга таянадиган илмий муассасалар ташкил қилишни таклиф қилади. У Манчестер университети араб қўлёзмалари каталоги билан танишади. Туркияда ёзилган муқаддас Қуръони Каримнинг таржимасини ўқиб, бу қўлёзманинг 14 томлик фотонусхасини олади. Нусха яхши сақланган бўлиб, Қорахонийлар даври XI-XII асрлардаги Қошғар шевасида Шарқий Туркистондаги ва Қуръони Каримнинг туркий ва форсий тиллардагисини қиёсий таққослаб тадқиқ қилади. Бу борада форс, Хоразм туркийсида, шарқий туркийда сўзлашувчи ўғузлар, аргу шеваси, қарлуқлар, шошлик туркийлар шеваларининг имкониятларини ажратади. Заки Валидий 1914 йил май ойида Туркистондаги илмий сафари чоғида Бухоро амирлигида туркий тилда ёзилган Қуръони Каримнинг қадимий нусхасини топади ва китобнинг X асрга оид Насаф нусхаси эканлигини аниқлайди.

Хуллас, маърифатпарвар олим сифатида Заки Валидий янги замонавий мактаб, демократик тараққиётнинг илғор усул ва йўлларини ёқлаб чиққан, маърифат, балки жамият ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилиш, мавжуд тартибларни ўзгартириш йўлидан борган. Заки Валидий ижодидаги айни шу мазмундаги қарашлар миллий-озодлик ғояларини илгари суриш, миллий ўзлигини англаш, ватанпарварлик туйғуларини ривожлантириш, мутаассибликка қарши чиқиш, маърифат, ижтимоий ислохотчилик масалаларини ишлаб чиқиш, жаҳон цивилизациясига кириб бориш, ёшларни янгича тарбия қилиш, уларга замонавий таълим бериш каби фикр-мулоҳазаларида янада яққол намоён бўлган.

Бугунги кун Заки Валидийнинг илмий меросини ўрганиш ҳаётий ҳақиқатлар ва реал воқеликка амал қилишни, ижодкорнинг бой маънавий маданий меросини объектив тадқиқ этишни, уларга ёпиштирилган ҳар қандай мафкуравий, сиёсий ва ғайриилмий иллатлардан тозаланишни тақозо этади. Бунинг қатор сабаблари бор:

биринчидан, Заки Валидий туркий халқларининг ижтимоий-тарихий тараққиёт йўли билан яқиндан таниш бўлиб, бу жараёнда бевосита ва билвосита иштирок этди.

иккинчидан, Валидий жадидларнинг ғояларини халқни илмсизликдан маърифатга, тобеликдан эркинликка томон бошловчи ҳаракат деб билди, унинг миллатпарвар олим сифатида шаклланишига ана шулар муҳим таъсир кўрсатди.

учинчидан, Валидий ислом динининг инсонпарвар ғоялар билан суғорилган шоҳ асарларидан баҳраманд бўлди, янги миллий тафаккур тараққиёти учун қайғурди.

тўртинчидан, у бевосита Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Абдурауф Фитрат, Чўлпон, Ашурали Зоҳирий сингари жадидчилик ҳаракатининг илғор вакиллари билан яқиндан алоқада бўлди ва уларнинг миллий маънавий тараққиёт ҳақидаги қарашларини миллий фалсафа тилида ифодалашга ҳаракат қилди. Масалан, Заки Валидий Бехбудийнинг 1917 йил апрелда Тошкентда бўлиб ўтган Туркистон мусулмонларининг 1-курултойидаги нутқи ўлка зиёлиларининг фикрини миллий ўзликни англаш томон буриб юборганини алоҳида қайд этади.

Заки Валидийнинг жадидчилик фаолияти ва унинг асарлари халқ орасида кенг тарқалди, газета ва журналлар пайдо бўлди, китоб ва дарсликларни чоп қилиш кенг тус олди, миллий ўтмиш, маънавий мерос ва бошқа халқлар маданияти, таълим-тарбия усулларини ўрганишга бўлган қизиқиш кучайди. Шубҳасиз, буларнинг ҳаммаси инсонларда миллий онгнинг шаклланиши, сиёсий ва маънавий уйғониш, мустақил тараққиётга интилишга олиб келди. Олим мусулмон зиёлилари орасидан етилган, тарихан ечилиши зарур бўлиб қолган бир қатор ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маърифий масалалар учун ўзини масъул, деб билган ватан ва миллат фидойиси бўлган.